

АБАДИЙ ДҮСТЛИК ВА АДАБИЙ АЛОҚАЛАР

ГУЛБАҲОР АШУРОВА
Филология фанлари номзоди, доцент

*Суйласин минг йиллик муйсафиid тарих,
Бу дўстлик билганми, шубҳа гумонни.
Низомий болидан ҳалво пиширмии,
Навоий забт этиб туркӣ жаҳонни...*

Абдулла Орипов
(“Озарбойжон” шеъридан)

Тарихимиз зарварақлари ўзбек ва озарбайжон ҳалқларини тили, анъана ва урф-одатлари бир-бирига нечоғли яқин эканлигидан гувоҳлик беради. Бугун эса икки мамлакат жамияти бу маданий ришталарни умумий қадриятлар сифатида қадрлаб, уларни мустаҳкамлаб келмоқда. Буни қўплаб сиёсий, иқтисодий ва маданий жабҳаларда кўриш мумкин.

Миллий адабиётларнинг тараққиёти маълум бир тадқиқот обьекти сифатида кўздан кечирилганда, келиб чиқиш эътибори билан бир-бирига яқин, қардош ҳалқлар ўртасида ўзаро адабий таъсир ва алоқа муаммоларининг жуда теран тарихий илдизларга молик эканлиги аён бўлади. Озарбайжон ҳалқининг турли ҳалқлар билан адабий алоқалар тарихи қадим замонларга бориб тақалади. У худудий жиҳатдан Кавказ, лисоний қардошлигига кўра Ўрта Осиё ва бошқа турк-татар, форс тили ҳоким бўлган даврда эса форс-тожик ҳалқлари билан ҳамиша алоқада бўлиб келган.

Асрлар мобайнида давом этиб келган урф-одат ва анъаналари, адабиёти, фалсафаси, меъморчилиги, мусиқаси, санъати, маданияти, тарихи, тили жиҳатидан озарбайжонликлар ўзбек ҳалқига жуда яқинdir. Ушбу ҳалқларнинг бир-бирига яқинлаштирган умумий ва ўхшаш жиҳатлар уларнинг тили ва адабиёти ҳамда маданиятида кенг намоён бўлади.

Адабиётшунослигимизда Озарбайжон – рус, Озарбайжон – грузин, Озарбайжон – украин, Озарбайжон – Догистон адабий алоқалари мавзусида бир қатор илмий тадқиқот ишлари қаламга олинганлиги илмда маълум. Бугун Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази раҳбари Самир Аббасов раҳбарлигидаги лойиҳа: “**Озарбайжон ва ўзбек адабий алоқалари**” (совет даври) номли китобнинг китобхонлар қўлига етиб бориши эса адабиётшунос Ғуломхусайн Алиевнинг “Озарбайжон – ўзбек адабий алоқалари (1920 – 1960)” номли номзодлик диссертацияси асосида амалга оширилди. Ушбу китоб Ўзбекистонда илк бор илмий жамоатчилик

ва кенг китобхонлар эътиборига ҳавола этилаётганлиги муҳим аҳамиятга молик ишдир. Асарни озарбайжончадан **Усмон Қўчкор** таржима қилган. Бадиий маслаҳатчи Халқаро “Олтин қалам” мукофоти соҳиби **Қулу Қангарлидир**. Мазкур мавзу Озарбайжон адабиётшунослигига илк бора бу қадар кенг илмий-назарий шаклда, тизимли равишда ўрганилган. Китоб бой фактик материали, мавзунинг юксак бадиий-эстетик даражаси, таҳлил тилининг илмий-фалсафий жозибадорлиги билан эътиборни жалб этади.

Китоб шўролар даврида ёзилгани учун ҳам унда ўз даврининг мафкуравий таъсири сезилиб туради. Лекин унда Озарбайжон ва ўзбек халқларининг адабий, ижтимоий, маданий алоқалари тарихига оид шу қадар бой материаллар жамланганки, улар бу икки халқнинг ҳар қандай шароитда ҳам дўстлик, қардошлиқ алоқаларини муттасил ривожлантириб, бир-бирини бойитиб борганлигидан далолат беради. Шу боис ҳам зукко китобхон асар юзидағи мафкуравий пардани очиб, унинг тўқ мағзини ажратиб олади деган умидда китобни деярли ўзгартишларсиз чоп этилиб, кенг жамоатчилик ва китобхонлар ҳукмига ҳавола қилинди.

Муаллиф озар – ўзбек адабий алоқалари мавзусини қадимий даврлардан бошлаб 60-йилларга қадар тадқиқ этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Унда Озарбайжон – ўзбек адабий алоқаларини шўролар даври билан чеклаб, адабий алоқаларнинг ушбу давридаги тараққиёт муаммоларини мумкин қадар ойдинлаштиришга ҳаракат қилган.

Тадқиқотнинг биринчи бўлимнида қадимги давр адабий алоқалари ҳақида қисқача маълумот берилганлиги мақсадга мувофиқдир. Ғуломхусайн Алиев мазкур бўлимнинг ёзилишида рус олимларидан Е.Э.Бертельс, озарбайжон олимларидан Ҳамид Орасли, Мирзоға Қулузода, Юсуф Зиё Ширвоний, Паноҳ Халилов ва бошқаларнинг илмий асарларидан фойдаланган. Озарбайжон – ўзбек адабий алоқаларидаги ўзаро таъсир масалаларини ойдинлаштиromoқ учун ўзбек тили ва унинг қоидаларини билиш, хусусан, эски ўзбек ёзуви ва Навоий асарлари тилини тушуниш муҳим аҳамиятга эга эканлиги аён ҳақиқат.

Ғуломхусайн Алиев ўз тадқиқот ишида ўзбек адиблари ва адабиётшуносаридан Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Воҳид Зоҳидов, Воҳид Абдуллаев, Иззат Султон, Ҳоди Зариф, Ғулом Каримов, Натан Маллаев, Юсуф Султонов, Абдуқодир Ҳайитметов, Эргаш Рустамов, Тўхтасин Жалоловлар билан яқиндан ҳамкорлик қилганлигини гувоҳи бўламиз.

Озарбайжон – ўзбек адабий алоқаларининг совет даврига оид бир қатор илмий тадқиқот масалаларининг изоҳида Паноҳ Халилов, Лазиз Қаюмов, Озод Шарафиддинов, Мамажон Раҳмонов, Маҳбуба Қодирова, Суйима

Фаниева, Ғаффор Мўминов, Муҳаммад Шарипов, Ботирхон Валихўжаев, Шавкат Шукуров, Саттор Ҳайдаров, Аҳмад Алиевларнинг, шунингдек, Тошкент, Самарқанд университетлари, Бухоро, Андижон, Наманган педагогика институтларидағи адабиёт кафедраларининг катта ёрдам бергандилари муаллиф томонидан қайд этиб ўтилган. Муаллиф айнан улар воситасида Озарбайжон ва ўзбек халқлари ўртасидаги адабий-маданий алоқаларнинг мустаҳкамланишида шахсан иштирок этган инсонлар билан учрашиб, ҳатто матбуотда эълон қилинмаган бир қатор маълумотларни ҳам тўплаган.

1920 – 1960 йилларни ўз ичига қамраб олган адабий алоқаларни тадқиқ этиш ўз даври учун янги ҳодиса сифатида кўринади. Мазкур китобда озарбайжон ва ўзбек адабий алоқалари турли даврлардаги кўринишлари орқали бу халқлар адабиётининг назарий муаммолари, ўзаро алоқалари масаласи, миллатлар ўртасидаги адабий муносабатларнинг тарихий илдизлари ёритиб берилган. Ушбу масалаларни тадқиқ этишда муаллиф Озарбайжон ва Ўзбекистоннинг давлат архиви, Самарқанд Давлат университети қўллўзмалар фонди, Ўзбекистон Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институти архиви, Озарбайжон Давлат китоб палатасида ўз изланишларини олиб борган.

Адабий алоқалар соҳасида рус адабиётшунослигида қимматли тадқиқот асарлари яратилган. Н.Г. Неупокаева, В.М. Жирмунский, М.И. Фетисов, Г.И. Ломидзе, Н.И. Конрад, И.С. Брагинский ва бошқаларнинг асарларида адабий алоқаларнинг назарий муаммолари ва методологияси теран ёритилган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда қардош совет халқлари ўртасида вужудга келган янги алоқа шакллари маданият ва санъат намояндлари ижодида ўз бадиий инъикосини топганлиги қайд этилади. Ёзувчилар, адабиётшуносларнинг ижодий учрашувлари, адабиёт ва дўстлик ҳафталикларининг, юбилейлар, хотира кечалари, илмий конференцияларнинг муштарак ҳолда ўтказилиши ва шу каби бир қатор адабий, маданий тадбирларнинг амалга оширилиши халқларимиз ўртасидаги ўзаро таъсирни, уларнинг бир-биридан ўрганиш жараёнларини мунтазам равишда кучайтириб боради. Бу эса ҳар иккала халқ адабий хазинасининг бойишига хизмат қиласи.

Мустақиллик йилларида ҳам икки халқ ижодкорлари бадиий таржима воситасида бир-бириларининг ижодларидан фойдаланган ҳолда ҳаёт учун ниҳоятда характерли бўлган мавзуларни турли-туман адабий шаклларда акс эттироқдалар. Бу манзара бағишлиов ва назираларда, услубда ва бадиий унсурларнинг ўхшашлигида, бир-биридан фойдаланиб, бир-бирини

ривожлантира боришда ўз аксини топаётир. Бу соҳада олиб борилган тадқиқотлар нафақат миллий, балки халқаро алоқалар учун ҳам муҳим аҳамият касб этган. Озарбайжон ва Ўзбекистон бугунги кун халқаро алоқалар тарихида муҳим роль ўйнамоқда. Уларнинг адабий ва маданий ҳаёти бутун Шарқ ўлкалари учун намунага айланиб улгурган. Шунинг учун ҳам ушбу халқларнинг адабий алоқалар тарихини тадқиқ этиш, бу адабиётларнинг халқаро алоқалардаги аҳамиятини янада оширишга хизмат қиласди. Ушбу китоб озар – ўзбек адабий алоқаларининг бир даври масалаларни ўз ичига қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир.

Буюк ўзбек шоири ва мутаффаккири Алишер Навоий Низомий Ганжавийни ўзига устоз деб билган. Фузулий ғазаллари, Насимиининг ўтли сатрлари қалбларимиздан чуқур ўрин олган. Яқин тарихда Самад Вурғун, Faфур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Бахтиёр Ваҳобзода, Абдулла Орипов, Жамол Камол сингари ижодкорларимизнинг самимий-ижодий дўстликларини ибрат қилиб қўрсатиш мумкин. Жамол Камол озарбайжон шоири Бахтиёр Ваҳобзоданинг Муҳаммад Фузулий ҳақидаги «Шабиҳижрон» достонини, Халил Ризонинг Насимиийга бағишлиланган “Фарёд” драмаси ва бир қатор шеърларини озарбайжон тилидан ўзбекчалаштирган.

Бу муносабатлар ҳам ҳар икки мамлакатнинг мустақилликкача эришган ютуқлари деб айтсан, мустақиллик йилларида бу алоқалар яна ҳам мустаҳкамланди. Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги маданий ҳамкорликнинг ёрқин тимсоли сифатида Низомий университети рўпарасида салобат бахш этиб турган Низомий Ганжавий ҳайкалини айтиб ўтишимиз мумкин. Бу ҳайкал, нафақат ажойиб ҳайкалтарошлиқ асари балки, халқимизнинг Низомий даҳосига бўлган чуқур ҳурмати, қардош озарбайжон халқига, унинг қадимий тарихи, маданияти, унинг асрлар оша синалган сўнмас руҳи, мустаҳкам иродаси, унинг ёрқин келажагига ҳурмат ва ишонч рамзиdir. Шунингдек, Бакуда Алишер Навоийга қўйилган муҳташам ҳайкал ҳам ўзбек шоири тимсолида ўзбек халқига бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиром белгисидир.

2012 йил октябр ойида бўлиб ўтган Ҳусайн Жовиднинг 130 йиллига бағишлиланган халқаро конференция, 2013 йил декабрдаги Юнус Эмро ижодига бағишлиланган халқаро конференция, 2016 йил ноябрда бўлиб ўтган “Туркология” қурултойининг 90 йиллигига бағишлиланган халқаро конференциянинг узвий давоми сифатида АМЕАда бўлиб ўтган “Алишер Навоий ва Озарбайжон адабиёти” мавзусидаги конференциялар “Ўзбекистон-Озарбайжон” дўстлигининг мустақиллик даврида янада ривожланиб бораётганлигини қўрсатади.

2017 йилда Шайх Низомий Ганжавийнинг “Махзанул Асрор”, “Лайли ва Мажнун” достонлари китоб ҳолида нашр этилди ва “Хамса”нинг барча достонларини ўзбек тилига таржима қилиш ҳақида Озарбайжон маданият маркази билан шартнома имзоланган. Навбатда “Шарафнома” ва “Иқболнома” достонларини ўз ичига олган “Искандарнома” достони нашр этилиш арафасида турибди. Шайх Низомий ҳазратларининг буюк “Хамса” асарини ўзбек миллати китобхонларига армуғон этиш ҳар қандай мукофот ва тақдирланишдан юксакдир. Ушбу китобнинг нашр этилиши борасида ҳам Озарбайжон маданият маркази раҳбари Самир Аббасовга ўзбек китобхонлари номидан чуқур миннатдорчиликмизни билдирамиз.

Бу фактларнинг ҳаммаси ўзбек ва озарбайжон адабиётларининг қадимий ва амалий алоқалари яна ҳам давом этаётган бугунги мустақиллик даврида унинг авлодлар томонидан тобора ривожлантириб борилаётгани ҳам табиий ва қонуний эканлигини кўрсатади.